

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2019-yil, 1-yanvar. Seshanba • 1 (32.491)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



Хурматли дўстлар!  
Биз 2019 йилга **Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**, деб ном бердик.

Фаол инвестициялар тараққиёт учун чексиз имкониятлар эшигини очади.

Ижтимоий ривожланиш эса халқимиз турмуш даражаси ва сифатини кескин оширишга хизмат қилади.

Биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз. Халқ билан мулоқотни юқори босқичга олиб чиқамиз.

Тадбиркорлик ва хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттирамиз.

Диёримизни янада обод ва кўркам қилиш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Эҳтиёжманд оилалар ва ёрдамга муҳтож инсонларни ҳимоя қилишга, аҳоли даромадларини оширишга эътиборни янада кучайтирамиз.

Муҳтарам фахрийлар, опа-сингилларимиз ва ёшларимизга ғам-хўрлик кўрсатиш доимо диққатимиз марказида бўлади.

Ушбу файзли оқшомда барча давлат ва халқларга, хорижий дўстларимиз, ҳамкорларимизга эзгу тилаklarимизни йўлаймиз.

Азизларим, қадрдонларим!

Халқимизнинг барча орзу-ниятлари ушласин!

Фарзандларимиз, набираларимизнинг бахту камолини кўрайлик!

Ўзгал ва бетакрор юртимиз тинч-осойишта, олижаноб, бағрикенг халқимиз ҳамisha омон бўлсин!

2019 йилнинг қадами кутлуғ келсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Қадри ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли, файзли дамларда жонажон Ўзбекистонимизга 2019 йил кириб келмоқда.

Сиз, азизларни, кўп миллатли халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга улуг бойлик бўлган оилавий бахт ва саломатлик тилайман.

Азиз юрtdoшлар!

2018 йилда барча соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига катта ўзгаришларни амалга оширдик.

Замонавий корхоналар, уй-joyлар, йўллар, кўприклар қурилди.

Таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилди.

Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик янада кучаймоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш учун салмоқли ишлар қилинди.

Бунинг натижасини бугун ҳар бир инсон ва оила, ҳар бир жамоа ўз мисолида кўрмоқда. Энг муҳими, одамларимизнинг эртани кунга ишончи ортмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўтаётган йил мамлакатимиз тарихида ёрқин из қолдирган йил бўлди.

Шу боис эски йилимизни шукроналик ва розилик билан кузатмоқдамиз.



## АФСОҲАВИЙ АРЧА БАЙРАМИ

барчани ҳаяжонга солмоқда, хушнуд этмоқда

2018 йил ўз ўрнини 2019 йил — «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»га бўшатиб берди. Халқимиз янги йилга бир олам орзу-умидлар, улуг ниятлар билан қадам қўйди.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган арча байрамларига келаётган болажонлар қувончи чексиз. Пойтахтимиз Тошкентнинг Алишер Навоий кутубхонаси ёнидаги майдон шундай безатилганки, кечкурун бу ерга келган болалардан тортиб ота-оналаргача мўъжизалар оламига кириб қолгандек ҳис этади ўзини.

Пойтахтимизнинг бош арчаси ҳам шу ерга ўрнатилган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маданият бошқармаси ва «Автограф ювент» хусусий корхонаси томонидан ташкил этилган арчанинг баландлиги 35 метр бўлиб, 18000 чироқ ва 42000 ўйинчоқ билан безатилган. Унинг атрофида болажонлар Қорбобо ва Қорқиз, эртак қахрамонлари билан ўзбек ва рус тилларида қўшиқ айтиб, рақсга тушишмоқда. Хонандалар томонидан қўйла-

наётган қўшиқларга ҳамоҳанг тарзда арчадаги чироқлар ҳам ёниб ўчиб, «рақсга тушади».

Байрам учун ажратилган умумий майдон 4 қисмга бўлинган бўлиб, яна тўртта 8 метрлик арча ўрнатилган. Савдо шохобчалари ва овқатланиш нуқталари, аттракционлари, кўнгилочар ўйингоҳлар ташкил этилган. Байрамонга безатилган, ранг-баранг чироқлар шуъла сочиб турган сахнада эса санъаткорлар, театрлар ва цирк жамоалари, ўзбек миллий драма театри, ёшлар театри, рақс гуруҳлари, ёш хонандалар йиғилганлари хушнуд этмоқда. Улкан мониторларда мультфильмлар, ижтимоий роликлар намоиши тўхтовсиз бериб борилапти.

Ўзбекистон академик рус драма театри жамоаси ҳам сахнада ўз байрам дастури билан томошабин-

ларни хушнуд этмоқда. Буни уларнинг юз-кўзидаги ҳаяжон ва қувондан билса бўлади.

Бир томонда «Звезда Интернета» жамоасининг рақс-томоша намойишлари, кичкинтойлар билан биргаликда ўтказиб ўтган байрам барчага илиқ кайфият улашмоқда.

Пойтахтимизга республикамизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонлар билан бир қаторда хориждан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам анчагина.

— Биз янги йилни ўтказиш учун Кореядан олимаиз билан келдик, — дейди **Евгения Тен**. — Тошкент шунчалик чиройли бўлиб, ўзгариб кетибдики, уни танимай қолдик. Айниқса, тунги Тошкент жуда фусункор, кўрган одамнинг бахри-дили очилади. Ўзбекистонда яши томонга ўзгаришлар бўлаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бундан жуда хурсандимиз.

Янги йил байрами кунлари майдондаги концерт дастурлари эрталаб соат 11 дан кечки соат 21-22 гача давом этмоқда.

Нилуфар ЧОРИЕВА

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2019 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларидан Президентимиз ва кўп миллатли Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва муваффақиятлар изҳор этилган самимий қутловлар келмоқда.

Қуйидагилар ўз табриklarини йўлаган:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби — **Антониу Гутерриш**
- Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**
- Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**
- Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбаев**
- Туркменистон Президенти — **Гурбангули Берdimухамедов**
- Тожикистон Республикаси Президенти — **Эмомали Раҳмон**
- Киргизистон Республикаси Президенти — **Сооронбай Жээнбеков**
- Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**
- Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**
- Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдоғон**
- Япония Бош вазири — **Синдзо Абэ**
- Европа Кенгаши Раиси — **Дональд Туск**
- Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Франк-Вальтер Штайнмайер**
- Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери — **Ангела Меркель**
- Буюк Британия ва Шимоллий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири — **Тереза Мэй**
- Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири — **Ли Кацяң**
- Россия Федерацияси Хукумати раиси — **Дмитрий Медведев**
- Исроил Давлати Бош вазири — **Биньямин Нетаньяху**
- Афғонистон Ислom Республикаси Президенти — **Ашраф Ғани**
- Эрон Ислom Республикаси Президенти — **Ҳасан Рухоний**

Миср Араб Республикаси Президенти —

**Абдулфаттоҳ ас-Сиси**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти —

**шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Қувайт Давлати Амири — **шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Иордания Қироли — **Абдулла II ибн Ҳусайн ал-Ҳошимий**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими — **шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди — **Шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Дания Қироличаси — **Маргрет II**

Норвегия Қироли — **Ҳаральд V**

Польша Республикаси Президенти — **Анжей Дуда**

Венгрия Президенти — **Янош Адер**

Латвия Республикаси Президенти — **Раймондс Веонис**

Ирландия Президенти — **Майкл Хиггинс**

Канада Генерал-губернатори — **Жюли Пейетт**

Янги Зеландия Генерал-губернатори — **Пэтси Редди**

Венгрия Бош вазири — **Виктор Орбан**

Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — **Ижрочи котиби — Сергей Лебедев**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси

Федерация Кенгаши Раиси — **Валентина Матвиенко**

Москва ва Бутун Рус Патриархи — **Кирилл**

БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий

Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий

маркази раҳбари — **Наталья Герман**

НАТО Бош котиби — **Йенс Столтенберг** ва бошқалар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

### МУНОСАБАТ

Замин ўз-ўзидан обод бўлиб қолмайди, ер юзидаги ҳеч бир халқ ўз-ўзидан буюк яратувчига айланавермайди, ҳеч бир давлат ўз-ўзидан қудратли бўлмайди, ҳеч бир Ватан жаҳон майдонида ўз-ўзидан эътироф ва эҳтиромга сазовор бўлмайди, деган сўзларни яна бир қарра юракдан ўтказдим. **Беихтиёр Соҳибқирон Амир Темурнинг «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазирангиздир, адолат ва озошлик — дастурингиз бўлсин» сўзлари ёдимга келди.**

### ХАЛҚНИНГ ҚАЛБ ХАРИТАСИ

Шоирлар севинса, халқ бахти, фаровонлигидан севинади, ўкинса, халқнинг дарди, изтиробидан ўкинади. Бугун бутун дунё Ўзбекистоннинг Ватан, халқ бахти-саодати, юрт тинчлиги деб уриб турган юрак садосини эшитди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, унда айтилган ҳар бир фикр, ҳар бир ғоя, ҳар бир ташаббус, оғриқли муаммолар, долзарб вазифалар миллионлаб юракларга кўчди. Ҳақ сўз ҳамisha уйғотувчи кучга эга бўлади. Президент ҳар соҳани ҳаққоний таҳлил қилиб, умрини ўтаб бўлган, бугун яроқсиз, самарасиз ҳолга келиб қолган тизимларни янгилаш, биринчи навбатда халққа хизмат қилувчи тизимга айлантириш бўйича муҳим масалаларни ўртага қўйди. Мурожаатномада қилинган ишлар билан бирга қўлинажак ишларнинг тоғдек залвор ва қўламини ҳис қилдик.

Ўтган йиллар давомида қандай мураккаб, таҳликали, энгил бўлмаган йўллардан ўтдик. Ҳар қандай йўл юракдан бошланади, ҳар қандай минора ҳам ердан тикланади. Халқ дарди, ташвиши, муаммолари, орзу-умидларига ҳамоҳанг сиёсат одамларни ҳам қудратли тўлқинга, яратувчи кучга айлантиради.

▶ Давоми 2-бетда.

### ЭЪТИРОФ

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда

Шайхулислом Оллоқшукур ПОШШОЗОДА, Кавказ муслмонлари идораси раиси, МДХ Динлараро кенгаши ҳамраиси, Кавказ халқлари Олий диний кенгаши раиси:

«Бугунги кунда дунёда ечим мураккаб туюлган фожиаларнинг ҳал этилиши аслида у қадар қийин эмас, аксариятининг жавоби қадимий қўлэмалар саҳифаларида мўжассам. ...Чунки мазкур хайрли ҳамда савобли саъй-ҳаракатлар ислом динининг эзгулик ва маърифатпарварликка йўрилган таълимотиани башарият онига софлигича етказиши, унинг моҳиятини миссионерлар, сохта сиёсатчилар худбин файласуфлар бўзиб талқин этишига йўл қўймаётгани билан улугвор ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Ислom академиясини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори мана шу эътиборнинг мантиқий давоми, десак, айни ҳақиқат бўлади. Бу юртда қадимда бўлгани каби мазкур Академия тўғрисида диний илмфан ва таълим янада тараққий топади. Шу сабабли, ўйлайманки, Шавкат Мирзиёев мазкур Академиянинг асосчиси сифатида унинг биринчи академиклигига лойиқ ҳисобланади».

Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Ислom академиясини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори мана шу эътиборнинг мантиқий давоми, десак, айни ҳақиқат бўлади. Бу юртда қадимда бўлгани каби мазкур Академия тўғрисида диний илмфан ва таълим янада тараққий топади. Шу сабабли, ўйлайманки, Шавкат Мирзиёев мазкур Академиянинг асосчиси сифатида унинг биринчи академиклигига лойиқ ҳисобланади».

«Президент Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи, Тожикистон билан виза муносабатларининг бекор қилиниши ҳамда Ўзбекистоннинг Киргизистон ва Қозоғистон билан чегара муаммоларининг ҳал этилгани йилнинг энг ёрқин ҳодисаларидир».

«Президент Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи, Тожикистон билан виза муносабатларининг бекор қилиниши ҳамда Ўзбекистоннинг Киргизистон ва Қозоғистон билан чегара муаммоларининг ҳал этилгани йилнинг энг ёрқин ҳодисаларидир».

«Президент Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи, Тожикистон билан виза муносабатларининг бекор қилиниши ҳамда Ўзбекистоннинг Киргизистон ва Қозоғистон билан чегара муаммоларининг ҳал этилгани йилнинг энг ёрқин ҳодисаларидир».

▶ Давоми 2-бетда.

# МУРОЖААТ УЙЎОТГАН ФИКРЛАР, ТУЙҒУЛАР...

Ўзбекистон: 2018 йилнинг муҳим воқеалари



2018 йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб ном берилди, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди.



2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус асосида 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг алпи мажлиси томонидан «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилинди. Уни БМТга аъзо бўлган 193 та давлат кенг қўллаб-қувватлади.



Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилди. Хусусан, педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнгги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди. Қўрилган чоратадбирлар тўғрисида аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди.



«Хар бир оила — тадбиркор», «Ёшлар — келажакимиз» каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди.



Президент фармонида кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб, ишлайдиган барча пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланди.

## БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАР НИЯТГА БОҒЛИҚ



Гулистон АННАКИЛИЧЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутаты, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасини тинглар эканман, инсоннинг ҳақиқат билан яшашида жуда катта ҳикмат бор эканига ишончим орди.

Президентимиз «Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асари «Барча эзгу амаллар ниётига боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ниёт қилган нарсаси берилди», деган ҳадис билан бошланишида албатта жуда чуқур маъно бор», деб таъкидлаб ўтди. Шунда юртимиздаги янгилашни ва бунёдкорликлар энг аввал

ҳалқимизнинг ниёти яхши эканидан, деб ўйладим.

Биз ўтган 2018 йилда нафақат муваффақиятларга эришдик, балки жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнимиз яна бир поғона ўсганлигини ҳис қилдик. Аҳоли турмуш фаровонлиги ошгани, дастурхонларимиз тўкин-сочинлиги, ҳар бир оиладаги тинчлик-осойишталик, юртимиздаги ҳаёт тарзи ўсганлигидан беҳад қувонмоқдамиз.

Инсон ҳақиқат ҳаётдан мўъжизалар кутиб яшайди. Айниқса, Янги йилда янги орзу-истаклар улғаяди. Юртимизда бундай мўъжизалар рўй беришини Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида тилга олинган вазифаларда ҳис қила олдик.

Мурожаатномадан англадикки, ҳалқимиз энди бундан ҳам катта марраларни олади. 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», деб белгиланди. Янги йилда бундай ном берилиши барча соҳадаги ислохотларда кескин ижобий бурилишлар бўлишини кўрсатмоқда. Бу ишларга албатта бугундан бошлаб киришилади. Уларнинг муваффақиятли бажарилишига ҳар биримиз масъул бўлишимиз керак.

Мурожаатномадан англадикки, иқтисодиётда бундан кейин давлат аралашувини камайтириш эркин рақобатга йўл очади. Бу барқарор ривожланиш учун жуда муҳимдир.

«Аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш лозим, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур», деди Президентимиз.

Президентимиз бу соҳадаги таҳлилларга тўхталар эканлар, республикамизда 13 мингдан зиёд хотин-қиз ёмон шароитда яшаб, иш билан таъминланмаганини кўрсатиб ўтди. Шундай оилаларни арзон турар-жойлар, иш билан таъминлаш вазифалари қўйилди.

Оилада ногирон фарзандлари бор оналар ҳам эътибордан миннатдор бўлмоқда. Ногиронлиги бўлган болаларнинг, уларнинг оила аъзоларининг, боқувчисини йўқотганларнинг ижтимоий ҳимояга олинаётгани инсон зотини улғайтириш олий қўринишидир. Айниқса, умр бўйи ногирон фарзандини парвариш қилаётган, ҳаётини шу фарзандига бағишлаган оналарга алоҳида ижтимоий нафақа белгилашни ҳам юртимиздаги бағрикенглик, меҳр-оқибатнинг азиз тутилганидан, деб биламан.

Мақтабга таълимга тарбиянинг бош бўлиши сифатида қаралаётгани, мақтаб битирувчиларнинг 20 фоизи олий таълимга қараб олиниши юзасидан белгилаётган вазифалар ҳам ҳар бир оилага Янги йил хушxabари сифатида кириб келди.

Орда қолган йилда биз, қорақалпоғистонликларни қувонтирадиган воқеалар кўп бўлди. Яхши хабарлар Янги йилда янада кўпаяди, деб ишонамиз. Президентимиз ўз Мурожаатномасида Орол масаласига алоҳида эътибор қаратди:

«Бу масалада қабул қилинаётган махсус дастурга кўра, Орол денгизининг сувсиз ҳудудидан келгуси йилда яна 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилади. Аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва қишлоқларида янги қурилушлар амалга оширилади. Хусусан, Мўйноқ туманида барча зарур инфратузилмаларга эга бўлган замонавий шаҳарча бунёд этилади». Бу сўзларни ҳалқимиз ёд олмоқда. Бугун фахр билан айтмишким, Қорақалпоғистонда, Мўйноқда бошланган ишлар кўзгидан давом этмоқда.

Дунё инсон меҳр нури совға айлади Мўйноққа.

Жаҳон юзин бурган ёққа — келинг, дўстлар, Мўйноқ ёққа... деб барчани яратувчилик, янгилашни ва бунёдкорликларни кўришига ҳақдорамиз.

Мурожаатнома Янги йил учун янги қанот, руҳимизга катта мадад бўлмоқда. 2019 йил барча юрдошларимизга файзли, баракали йил бўлишини тилайман.

## 2018 ЙИЛНИ ШУКРОНАЛИК БИЛАН ЭСЛАЙМИЗ



Максуда ВОРИСОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.

— Бугунги байрамона; шукуҳли дамларда азиз юрдошларимизни кўтлуг қадамлар билан юртимизга кириб келган Янги йил билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тиллақларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт, деб ҳисоблайман.

2018 йил Ватанимиз тараққиётига, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт

даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, ҳосиятли ва баракали бўлганини шукроналик билан эслаймиз. Бир сўз билан айтганда, ўтган йилдан рози бўлиб, ҳар қанча шукрона айтсак арзийди. Юртин оқиб қилиш, ҳалқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш, инсон манфаатлари барча нарсадан устун, деган гояни амалда рўйбга чиқариш йўлида эзгу сый-ҳаракатлар амалга оширилганига гувоҳимиз, бу барчамизга чқур мамнуният бағишлайди.

Ҳар бир ота-онанинг энг эзгу тилаги фарзандлари бахти-иқболини кўришидир. Мен ҳам бир она сифатида диёримиздаги барча оналаримиз, навқирон ёшларимиз доимо тинч, фаровон мамлакатда яшашларини, жаҳонга юз тутган Ўзбекистон шарафини дунёга намоз қилишларини истайман. Бунинг учун биз, катталар уларга зарур имкониятларни яратиб бермоғимиз зарур бўлади. Албатта, бу чидам, меҳнат, интизом ва фидоркорликни талаб қилади.

Ўзбекистон тараққиётининг янги даври, янги босқичига қадам

қўймоқда: Халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг оғирини енгилаштириш учун ҳар бир инсон ўз елкасига олган вазифаларини бажаришига бор куч ва имкониятларини сафарбар этмоғи керак.

Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ, деган тушунчанинг қадр юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётиимиз мазмунига айланмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Президентининг Парламентга йўллаган Мурожаатномасида ҳар бир соҳада қилиниши зарур бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилди. Айниқса, миллий парламентнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш йўлидаги янги тақдирлар бизга катта масъулият юклайди.

Мурожаатномада 2019 йил парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар йили эканига алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, бу йил барча сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ҳам катта сивов, катта имтиҳон йили бўлади.

## ХАЛҚНИНГ ҚАЛБ ХАРИТАСИ

ўзгаришлар демакдир. Қалбдаги ўзгаришлар ижтимоий муҳитни тозартиб, жамиятни ўзгарттиради.

Жаҳоннинг етакчи ва нуфузли нашрлари Юртобшомиз томонидан амалга оширилаётган туб ислохотлар, нафақат Ўзбекистонга, балки бутун минтақага улғувор ижобий янгилашулар олиб кирганлигини таъкидламоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти фаоллашгани, сиёсий рақобат ва фикрлар хилма-хиллиги қўллаб-қувватланаётгани, аҳолининг йиллар давомида фойдаланилмаган имкониятларини юзга чиқаришига катта эътибор берилганлиги эътибор этилмоқда. Ўзбекистонда фаол ва очик иқтисодиётга ўтилаётгани, халқнинг яратувчанлиги, турмуш тарзи, фаровонлиги ўзгараётгани, муаммолар аширилмай очик-ойдин гапирилиб, уларга ечим топилаётгани, ташқи ва ички сиёсатида ҳеч қачон қузатилмаган ислохотлар амалга оширилаётгани, Ўзбекистон дунёга ўз очиклигини намозини этаётгани, барча соҳаларда илҳоллар тизимли ва самарали руҳсизияти билан ажралиб тураётгани эзилмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасини тинглар эканман, ўтган йилдаги муҳим ўзгаришлар бир-бир кўз ўнгимдан ўтди. Янги иш ўринлари яратиш, халқнинг энг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жазони ижре этиш муассасаларидан қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш, улар тезроқ ҳаётда ўз ўринларини топишига кўмаклашиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишига янги ёндашуларни ўз самарасини берди. Биргина мисол, мамлакатимиздаги мавжуд 9015 фуқаролар йигинининг 3205 тасида бирорта жиноят содир этилмади. Тошкент шаҳрининг ўзида жиноятлар 48 фоизга камайди.

Кўнгиллардан бошланган ободлик қишлоқларимизга, шаҳарларимизга кўчмоқда, ички кўчалар таъмирланмоқда. Мурожаатномада айтилганидек, Янги йилда ҳам «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилишини

ҳалқимиз жуда катта мамнунлик билан кутиб олди.

Бир умр суяги меҳнатда қотган, эл-юрт ободлиги йўлида соч-соқоли оқарган оталаримиз, муштарлар оналаримиз ҳақиқий эҳтиром ва эъзозга лойиқ. Улар жамғарган катта тажрибаларининг ўзи бир мактабдир. Президент фармони билан 2019 йил 1 январдан бошлаб ишлайдиган барча пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши белгилангани, Мурожаатномада энг кам ойлик иш ҳақи миқдори, пенсия тизими қайта кўриб чиқилиши тўғрисидаги хушxabарлар чин маънода фахрийларимизни янада ёшартирди.

Ўз халқини севган буюк қалбли инсонлар дунёдаги буюк халқларни ҳам ана шундай муҳаббат билан севади. Қарангки, қатъий ирода бўлса, аزمи шижоат, очиклик, дўстона муносабат билан ҳар қандай қалтис масаларни ҳам ечиш мумкин экан.

Ўзбек халқи ҳеч қачон қўшини-синикидаги нотинчликка бепарво қараб ўтирадиган халқ эмас. Ана шу маънода жафоқаш афгон халқига тинчлик соғиниш баробарида давлатимиз раҳбарининг сай-ҳаракатлари жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари маданият ва истироҳат боғларида спорт майдончалари, амфитеатрлар қурилиши ҳамда китобхоналик ҳам алоҳида эътибор қаратди. Маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, уларни ҳақиқий замонавий маърифий-маънавий масканларга айлантириш, кутубхона, «Китоб кафедрлари» бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, 2019-2025 йилларда «Туризмни ривожлантириш миллий концепцияси»ни ишлаб чиқиш бўйича муҳим топшириқ берилиши, шу асосда 2019 йилда юртимизга ташириб буюрадиган хорижий сайёҳлар сони 7 миллион нафарга етишига, туризм экспортидан келадиган даромаднинг 2 миллиард доллардан зиёд бўлишига эришиш лозимлиги таъкидланди.

Бир пайтлар Ўзбекистон Қаҳра-

Бунинг сабаблари кўп. Аввало, Президент тақлифи билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига раислик қилиш ваколати ҳокимлардан олиниши бўйича ҳуқуқий асослар яратилиши белгиланди. Шу масалада қўнучиликни такомиллаштириш юзасидан парламентга тавсия берилди. Бу келадиган сайловда рақобат аввалгиларига нисбатан жуда кучли бўлишини ҳам аниқлади. Чунки маҳаллий вакиллик ҳокимиятида қайси партия қандай обрўга эга бўлиши бевосита сайлов натижаларидан келиб чиқади. Партияимиз бу сивовдан муваффақиятли ўтиши учун барча куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Қайси соҳада ишлайшимиздан қатъий назар, бирлашиб, эзгу мақсад йўлида ҳалол меҳнат қилсак, албатта, олий мақсадларимизга эришамиз.

Янги йил бутун халқимизга, ҳар бир оилага тинчлик-тотувлик, фаровонлик, бахт, омад ва барака олиб келсин. Эзгу ниётларимиз рўйбга чиқишида Ўзи мададкор бўлсин.

## ЭЪТИРОФ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОХОТЛАР халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда

Жанубий Кореянинг «The Korea Times» газетаси:

«Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрда Ўзбекистон Президентини лавозимига киришганидан то ҳозирги вақтгача инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, очик сиёсат юритиш, шу жумладан, сиёсий маҳбустларни озод этишда юксак натижа кўрсатиб келаяпти. Ўзбекистон раҳбари қўшни давлатлар билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳолда, Марказий Осиёда тинчлик-тотувликни асрашга катта ҳисса қўшмоқда.

Штаб квартираси Сеулда жойлашган Осиё журналистлари ассоциацияси (ОЖА) Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевни «2018 йил одами» деб эълон қилди.

Энтони БОУЭР, Стокгольмдаги Хавфсизлик ва ривожланиш сиёсати институти (Institute for Security & Development Policy) эксперти:

«...мазкур ислохотлар 33 миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистоннинг йиллар мобайнида фойдаланилмаган имкониятларини юзга чиқариш ва уларни бугунги глобаллашув даврида давлат тараққиёти, фуқаролар фаровонлиги йўлида қўллашга қаратилган».

Цзян Янь, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

«Бугунги кунда Ўзбекистонда кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилмоқда. Ана шу жараёнда давлат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, суд ҳамда маъмурий соҳаларни ислоҳ қилиш, халқнинг кундалик турмушига оид масалаларни ўз вақтида ҳал этиш учун интернет-порталлар очиб асосида илгари тўлланган қолган муаммолар ечимини топаётми, аҳолининг моддий таъминоти яхшиланаётми.

Яхши қўнучилик алоқалари фаол равишда қайта тикланмоқда, минтақавий ҳамкорлик ривожланиб, халқаро муносабатлар мустаҳкамланаётми. Бу раёда ажойиб натижаларга эришилмоқда. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон халқи Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат тараққиётида янги саҳифа очди».

Насер БУШЕРИТ, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

«Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келганидан кейин бошланган жадал ислохотлар, шу жумладан, валюта бозорининг либераллаштирилиши иқтисодий очиклик ва сарможалар жалб этилиши омиллини сўзсиз тезлаштирди. Ўз навбатида, биз ҳам мазкур воқеаларни диққат билан кузатиб бораёلمиз».

Винод КУМАР, Хиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

«Биз БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва илҳол тараққиёти таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюциясини қўллаб-қувватладик. Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев тақлифи билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 12 декабрь куни қабул қилинган «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюциясининг ҳаммуаллифларидан бири Хиндистон бўлди».

Таиландда Ўзбекистонинг бугунги тараққиётига бағишлаб нашр этилган «Berita Muslim Life» журнали:

«Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятининг биринчи кунлариданоқ барча прогноз ва қўлипарни сиңдиргани ҳолда мамлакатни очиклик сари етаклаш жараёнининг ташаббускори бўлди. Ўнлаб сиёсий маҳбустлар озод қилинди, қарий уч минг киши афв этилди, минглаб одамлар махсус хизматларнинг «қора рўйхати»дан ўчирилди, матбуот илгари тақиқланган мавзуларни кўтариб чиқа бошлади. Бундай чора-тадбирлар қўшни мамлакатлар билан муносабатларни яхшилаш бўйича дипломатик ташаббуслар билан биргаликда мамлакат ичкарисидан ва унинг ташқарисидан ҳам кўпчилик кутмаган некинликни уйғотган ҳолда Ўзбекистонда янги муҳитни яратди».

«Ўзбекистон овози» муҳбири Нуруллоҳ ДОСТОН тайёрлади.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

# ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧЛАРИ

Ўзбекистон:  
2019 йилнинг муҳим режалари



Барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестициялар ўзлаштирилади. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2018 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. На тиждада 142 та замонавий корхона ишга туширилади.



«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.



Кластер усулида пахта етиштириш камида 52 фоизга етказилади. Бунинг учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 34 фоиздан 44 фоизга етказилади. Мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратилган 1 триллион 654 миллиард сўм маблағларнинг катта қисми вилоятларда мактабгача таълимни ривожлантиришга йўналтирилади.



Махсус дастурга кўра, Орол денгизининг сувсиз ҳудудида яна 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилади.

## БОЛАЖОНЛАР УЧУН ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

Мамлакатимизда янги йил янги орзу-умидлар, яхши ниятлар билан кутиб олинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳарларда турли ўйинчоқлар билан безатилган арчалар атрофида Қорбобо ва Қорқиз, эртақ қаҳрамонлари болажонларни қушнуд қилмоқда.



Меҳрибонлик ва Мурувват уйларида эса «Президент арчаси» анъанавий байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Болаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғалари улаштилмоқда. Байрам арафасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларига 11 номдаги ўқув қуроллари ва 17 номдаги ширинликлардан иборат қарийб 11 минг дона совға жўнатилди.

— Биз бу санага ҳар йили жиддий тайёргарлик кўрамиз, — дейди **Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев**. — Чунки янги йилни ҳаммадан ҳам кўпроқ жажжи болажонлар интиқлик билан кутади. «Президент арчаси» байрам тадбирларида туҳфа этиладиган Президент совғаси болажонларимизнинг бир умр ёдида қолади, албатта.

Мактаб ўқувчилари қишки таътилга чиққан шу кунларда вилоят ва туманлар марказларидаги истироҳат боғлари, марказий майдонлар, спорт саройларида Янги йил байрами ўтказилапти. Бу тадбирларда турли бадиий жамоалар иштирок этмоқда.

Меҳрибонлик уйлари, болалар шифохоналари, SOS болалар маҳалласи ва бошқа

жойларда театрлаштирилган хайрия томошалари ташкил қилинмоқда. Қорбобо ва Қорқиз болаларга совғалар улашмоқда.

Янги йил байрами тадбирлари муносабати билан 2018 йил 31 декабрь кунин Тошкент шаҳридаги барча автобус йўналишлари иш режимига ўзгартириш киритилиб, иш вақти бир соатга узайтирилди. Барча йўналишлардаги автобуслар Янги йил байрамига мос равишда безатилиб, ҳайдовчилар Қорбобо кийимида ишга чиқишди. Фарзандлари, неваралари билан келган ота-оналар, бобо ва бувижонлар, пойтахтимиз меҳмонлари учун шаҳар бўйлаб жамоат транспорти ҳаракатда бўлди.

Бу йил Шароф Рашидов проспектида автомобиллар ҳаракатини тўсиб қўймаслик учун бош арча пойтахтимизнинг Алишер Навоий кутубхонаси олдидаги майдонга ўрнатилди. Театрлаштирилган томошалар намойиш этиш учун сахна ташкил этилди.

Олдинги йилларда Янги йил арчаси пойтахтимизнинг фақат марказий майдонларида ўрнатилган бўлса, бу йил Мустақиллик майдони билан қўшиб ҳисоблаганда, 10 жой-

да ташкил этилди. Лабзак мавзесидаги «Локомотив-Анхор» маданият ва истироҳат боғи ёнидаги майдонга ўрнатилган арчанинг баландлиги 26 метр ва айланаси 7 метр. Уни безашга 2 мингдан ортиқроқ ўйинчоқ ишлатилди. Кечқурунлари арча прожекторлар билан ёритилади. Боғда қурилган афсонавий шаҳарчаларда санъаткор ва қизиқчилар томонидан анъанавий байрам шоулари ўтказилиб, мониторларда ижтимоий роликлар, турли хил мультфильмлар намойиш этилмоқда.

Тошкент давлат цирки майдонида ташкил этилган Янги йил томошаларини катта-кичик завқ билан томоша қилади. Қорбобо ва Қорқиз, эртақ қаҳрамонлари болаларни сахнага чорлаб, улар билан интерактив ўйинлар ўтказишмоқда.

Бу йил пойтахтимизнинг 505 маҳалласида Республика «Маҳалла» фондининг Тошкент шаҳар бўлими мутахассислари томонидан тайёрланган «Маҳаллада янги йил» лойиҳаси асосида Қорбобо ва Қорқиз либосидаги кўнглили фаоллардан ташкил топган йигит-қизлар янги йил оқшомида хонадонма-хонадон юриб, жажжи кичкинтойларни хурсанд қилдилар.

Шунингдек, улар кам таъ-

минланган оилалар, ногиронлар, ёши улуг инсонлар, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари хонадонларига, Меҳрибонлик ва Мурувват уйларида бориб, совға-саломлар улашдилар.

Пойтахтимизнинг барча театрларида шу кунларда болажонлар учун ўзбек ва рус тилларида турли спектакллар намойиш этилмоқда. Масалан, «Истиқлол» санъат саройида Ханс Кристиан Андерсен эртаги асосида «Қор маликаси», «Аловуддин» театрида Аловуддин ва Ибн Хаттобнинг янги йил саргузаштлари, Ўзбек мусикали комедия театрида Қизил, Сарик ва Яшил светофорнинг келажакка саёҳат саргузаштлари, Ўзбек давлат циркида «Зумрад шаҳри сеҳргари», Алишер Навоий номдаги санъат саройида «Микки Маус клуби», Республика кўғирчоқ театрида «Сеҳрли пакилдоқ» спектаклини томоша қилиш мумкин.

Ўзбекистон давлат академик рус драма театрида ҳам ўзига хос томошалар дастури тайёрланган.

— Янги йил томошалари Корней Чуковскийнинг «Муха Цокотуха», яъни, «Пашша Ойпашша» шеърини эртаги асосида сахналаштирилган, — дейди **директор ўринбосари Алижон Андақулов**. — Бу асар бош арча ва театр актёрлари томонидан болалар билан биргаликда шоу тарзида ўтказилмоқда. Эртаки нафақат болажонлар, балки ота-оналар ҳам мазза қилиб томоша қилишади. Спектакль давомида шеърини матни болалар ва катта ёшли томошабинлар актёрлар билан жўр бўлиб айтишади. Мусиқий ва ўндан ортиқ турли рақслар кичик томошабинларимизни зериктирмайди.

...Бош арча атрофида болажонларни турли эртақлар қаҳрамонлари, Қорбобо ва Қорқиз кутиб олади. Болалар улар билан биргаликда ўйинга тушишади, шеър айтишади. Кичкинтойларга совға-саломлар улашилади. Янги йил томошалари давом этади.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири,  
**Нилуфар ЧОРИЕВА.**

Тошкент Янги йил оқшомида



Реклама



**«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни кириб келаятган янги 2019 йил билан самимий муборакбод этади. Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди. Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли кунларимиз барчамизни ҳеч қачон тарк этмасин!**

**Байрам муносабати билан хорижий валютадаги «Оптималь» (АҚШ долларларида) янги муддатли омонат турини тақлиф этамиз.**

Омонатнинг йиллик фоизи — 6%  
Омонат муддати — 3 йил  
Омонатнинг қулайлиги — омонатни ҳар 6 ойда муддатидан олдин чиқиб қилишга рухсат этилади.

Шунингдек «Туронбанк» АТБ Сизга миллий ва хорижий валюталарда жозибador шартларда 16 турдаги муддатли, жамғарма ва онлайн омонатларини тақлиф этади.

Туронбанкда аҳоли омонатларининг бутлигини таъминлашни кафолатлаш мақсадида биометрик идентификациялаш тизими жорий қилинган.

**Туронбанк - Барқарорлик белгиси!**

Call-центр: 99895 144-60-00  
www.turonbank.uz Хизматлар лицензияланган

# «URGANCH YOG' MOY»

**АЖ ЖАМОАСИ**  
юртдошларимизни

**2019 ЙИЛ**  
билан табриклайди!

Янги йил жонажон  
Ўзбекистонимизга  
тўкинлик,  
хонадонларимизга  
файзу тароват олиб  
келсин!



Маҳсулотлар сертифициланган.

MyAlliance –  
Sizning ajralmas yordamchingiz!



«ASIA ALLIANCE BANK» sizni kirib kelayotgan Yangi 2019-yil bilan chin yurakdan muborakbod etadi va sizga sog'lik, baxt, farovonlik va barcha istaklaringizning ro'yog'a chiqishini tilab qoladi. O'zingizga Yangi yil sovg'asi qiling – MyAlliance mobil ilovasini yuklab oling va siz karta va hisobvaraqlaringiz bo'yicha operatsiyalarni bir zunda amalga oshirishingiz mumkin, shuningdek, on-line xaridini sizga qulay bo'lgan joyda amalga oshirishingiz mumkin.

MyAlliance – sizing smartfoningizdagi mukammal bank!

71 231-60-00  
www.aab.uz



Хизматлар лицензияланган.

# «URGANCH QURILISH TRANS»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Халқимизни Янги йил билан муборакбод этади!  
Барча орзу-умидларимиз ушалсин. Янги йил оилангизга шоду хуррамлик, дастурхонингизга тўкинлик келтирсин, юртимиздаги тинчлик ва фаровонлик бардавом бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

OZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Saidkamol XODJAYEV Farrux HAMROYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Ulug'bek VAFOYEV Muslihidin MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 71 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 71 233-12-56  
Reklama va e'lonlar uchun — 71 233-47-80, 71 233-38-55.  
E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 151. 4315 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
O'zA yakuni — 20:00.  
Topshirilgan vaqti — 21:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
**Nurullo OSTONOV**  
Sahifalovchi-dasturchi:  
**Zafar BAKIROV**  
**Bekzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2030-7433



Gazetaning elektron versiyasiga Ushbu uchin QR-kodni telefoningizda oqilona skaner qilgan.